

ФАРГОНАДА "АЁЛИ ЭЪЗОЗЛАНГАН ЎРТ" ШИОРИ ОСТИДА ТАРФИБОТ ТАДБИРИ ЎТКАЗИЛДИ

Бугун Аҳмад Фарғоний номидаги истироҳат боғида вилоятимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, сиёсий жараёнларга муносаб тайёргарлик кўриш мақсадида "Аёли эъзозланган ўрт" шиори остида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда вилоят ҳокимининг ўринbosари, Оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи Комила Кавлонова, Олий Мажлис Сенати аъзоси Гулнора Маруфова сўз олиб, мамлакатимизда оила ва хотин- қизларни қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар, аёлга эътибор ва ғамхўрлик давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги, Президентимиз томонидан яратиб берилган имтиёз ва имкониятлар боис, Фарғона вилоятида қўлга киритилган ютуқлар, аёлларни баҳти бўлиши, оиласини мустаҳкамлигини таъминлаш яъни, уй-жой борасидаги, ижтимоий ҳимоя, бандлик, тадбиркорликни ривожлантириш, саломатликларини мустаҳкамлаш, "Аёллар дафтари" йўналишидаги манзилли ишлар, ижтимоий сиёсий фаол раҳбар аёллар сафини кенгайтириш борасидаги ишларга алоҳида тўхталиб ўтдилар.

Шунингдек, тадбирда Фарғона жамоат саломатлиги институти илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори, олим аёл Мунира Қодирова, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соврундори Нилуфар Эргашева, Фарғона туманидан тадбиркор Садоқат Мирзаева, хунарманд, 1-гурух ногирони Малика Ибрагимовалар ҳам сўз олиб, Янги Ўзбекистоннинг янги таҳрирдаги Конституцияси лойиҳасида гендер тенглик, оила мустаҳкамлиги, таълим тизими ва ўқитувчилар ҳуқуқлари учун алоҳида модда киритилаётганлиги ҳақида гапирдилар ва барчани жорий йилнинг 30 апрель куни бўлиб ўтадиган Референдумда фаол иштирок этишга чақирдилар.

Вилоятимиз санъаткорлари ижросидаги куй-қўшиқлар тадбир иштирокчиларига янада кўтаринки кайфият баҳш этди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-03-28 16:43:12